



SPECIFIC ASPECTS OF QUALIFYING THE OFFENSE ACCORDING TO THE SPECIAL SUBJECT OF THE CRIME

Nomozov Eldor Sunatovich

Student of the Higher School of Judges

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11474746>

ARTICLE INFO

Received: 22th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

Special entity, liability of legal entities, business activity, crime, entity.

ABSTRACT

This article focuses on the issues of qualification when the crime is committed by special agents. It analyzes some crimes committed by special entities and gives conclusions and suggestions on improving the criminal law.

ОСОБЕННОСТИ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПО ОСОБОМУ ПРЕДМЕТУ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

Номозов Эльдор Сунатович

Студент Высшей школы судей.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11474746>

ARTICLE INFO

Received: 22th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

Специальный субъект, ответственность юридических лиц, предпринимательская деятельность, преступление, субъект.

ABSTRACT

В данной статье рассматриваются вопросы квалификации преступлений, совершаемых специальными агентами. Анализируются некоторые преступления, совершенные специальными субъектами, а также даются выводы и предложения по совершенствованию уголовного законодательства.

ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Номозов Элдор Сунатович

Судьялар олий мактабининг тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11474746>

ARTICLE INFO

Received: 22th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Мазкур мақола жиноятни махсус субъектлар томонидан содир этилганда квалификация масалаларига тўхталиб ўтилган. Унда махсус субъектлар томонидан



Махсус субъект, юридик шахслар жавобгарлиги, тадбиркорлик фаолияти, жиноят, субъект.

содир этиладиган баъзи бир жиноятлар тахлил қилиниб жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилиниши ҳамда унинг асосида 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан ЖКнинг “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” номли XIII¹ боб билан тўлдирилиши бу соҳада янги босқични бошлаб берган.

ЖКга киритилган янги XIII¹ бобда қонун чиқарувчи тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаси диспозициясида мазкур турдаги жиноятлар субъекти сифатида назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси зарурий белги сифатида кўрсатилган.

Р.Кабулов ЖК XIII¹ бобида келтирилган жиноятларни жиноят субъектига кўра:

- назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёхуд хизматчиси томонидан содир этиладиган жиноятлар;
- нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан содир этиладиган жиноятлар тарзида таснифлайди¹.

Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар субъекти – умумий қоида тариқасида, 16 ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахс. Бироқ, ушбу жиноятлар субъекти махсус белгиларга ҳам эга. Негаки, юқорида таъкидланганидек ЖКнинг 192¹ ва 192⁴-м. диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган махсус субъект – назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органи ҳамда давлат ташкилоти мансабдор шахси ёхуд хизматчиси ҳисобланади.

¹ Кабулов Р. Социальная обусловленность установления ответственности за преступления, предусмотренные гл. XIII¹ Особенной части УК и их общая юридическая характеристика. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексини такомиллаштириш масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2017. Б.14.



Бироқ, таҳлил этилаётган бошқа жинойт нормалари диспозициясида субъект сифатида махсус субъект алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлсада, олимлар ЖКнинг 192², 192³, 192⁵, 192⁶, 192⁸-м.да назарда тутилган жинойт субъекти ҳам махсус субъект бўлишини қайд этишади². Ушбу фикрни мазкур олимлар жинойт нормалари диспозициясида кўрсатилган объектив томон белгиларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ қилмишлар ўз хусусияти ва характериға кўра махсус субъектлар томонидан содир этилади, деб хулоса қилиш имконини беради. Биз ҳам, мазкур фикрни қўллаб-қувватлаб, қайд этилган жинойтлар субъектиға оид қуйидаги мулоҳазалар юқорида келтирилган олимлар фикрини асослантиради, деб ўйлаймиз.

Жумладан, тадқиқ этилаётган жинойтларнинг субъекти хусусида қуйидаги жиҳат эътиборға молик. Тадбиркорлик фаолиятиға қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жинойтлар субъекти махсус субъект – назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа давлат органи ва давлат ташкилоти мансабдор шахси ёки хизматчиси ҳисобланади. Лекин, қонун чиқарувчи ЖКнинг 192¹ ва 192⁴-м. диспозициясида “мансабдор шахс” ва “хизматчи”нинг содир этган жинойти учун жавобгарликни жинойт субъекти хусусиятиға кўра дифференциация қилмаган. Бироқ, мазкур келтирилган нормалардан ташқари ЖКнинг Махсус қисми нормалари диспозициясида жами 3 та ҳолат (ЖК 192⁷, 192¹⁰, 214-м.)да хизматчи жинойт субъекти сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилган. Шулардан, 1 та ҳолат (ЖКнинг 192⁷-м.)да хизматчи жинойт субъекти сифатида мансабдор шахс билан бирға ифодаланган бўлса, қолган ҳолатлар (ЖК 192¹⁰, 214-м.)да хизматчи жинойт субъекти сифатида мансабдор шахсдан алоҳида ифодаланган. Ҳар иккала жинойт субъекти – мансабдор шахс ва хизматчининг лавозим йўриқномаси, вазиға ва ваколатларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятиға қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жинойтлар учун жавобгарликни дифференциация қилиш, бизнингча, мақсадға мувофиқ.

Олдин қайд этилганидек жинойт-процессуал қонунчиликда юридик шахслар ва ЯТТларни тафтиш тартиби қилиш мавжуд бўлиб, ЖПКнинг 187³-м.ға кўра тафтиш ўтказиш учун тайинладиган шахслар сифатида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларға қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мутахассислари иштирок этиши мумкин³. Тафтиш ўтказиш учун, зарурат туғилганда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарорига кўра ёхуд суд ажрими билан бошқа орган ва

² Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 529 bet.; Махкамов О. ва бошқ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қарши жинойтлар. Илмий-амалий рисола. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Р.А.Зуфаров. – Т.: ТДЮУ, 2016. – 96 б.; Жинойт ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри/Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2016. – 1096 б.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон.



ташкilotларнинг ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин. Бироқ, давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишга оид қонун ҳужжатларига кўра хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи орган мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади ва улар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома, шахсий гувоҳнома ва тегишли асослар мавжуд бўлгани тақдирда йўл қўйилади⁴.

Шу сабабдан, биз жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда тафтишни ўтказиш учун тайинланган шахсларни ҳам тафтиш ўтказиш тартибини бузишга оид жиноят содир этилганда ЖКнинг 192²-м. субъекти сифатида эътироф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда, таҳлил қилинаётган нормалар маъмурий преюдицияга эгалигини инобатга олиб, ЖКнинг 192³-м. билан шахсни жавобгарликка тортишда мазкур шахс илгари шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241³-м. санкциясига эътибор бериладиган бўлса, қилмиш фақат мансабдор шахслар томонидан содир этилиши англашилади. Негаки, мазкур модданинг санкцияси “мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солиш” тарзида баён этилган.

Шу нуқтаи назардан таҳлил этилаётган нормалар диспозициясида махсус субъект белгиси тўғридан-тўғри кўрсатилмаган жиноят таркибларида жиноят субъекти куйидаги махсус белгиларга эга, дейиш мумкин:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш ваколати берилган;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ёки уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ваколати берилган;
- лицензия, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни бериш ваколатига эга;
- имтиёз, преференцияларни қўллаш, қўллаш устидан назорат қилиш ваколатига эга;
- тадбиркорлик субъектлари ҳисобварақларида маблағлар мавжудлиги ҳақидаги ахборотни талаб қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс ва хизматчилар.

Шу ўринда жиноят субъекти сифатида назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек давлат органи ва давлат ташкилоти мансабдор шахси ёки хизматчиси тушунчалари мазмунини ёритиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирлик ва идоралар **назорат**

⁴ Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда.



қилувчи органлар ҳисобланади⁵. Шунга кўра ДСҚ, Молия вазирлиги, ИИВ ЙҲХБ, ДБҚ, “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ва бошқ. назорат қилувчи органлар ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ибораси жуда кўп қўлланилсада, унинг аниқ ҳуқуқий ҳужжатда акс этган таърифи мавжуд эмас. Қоида тариқасида, прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, адлия органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сифатида тушунилади.

Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган ташкилот, тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёхуд таъсис этилган нотижорат ташкилот давлат иштирокидаги ташкилот, деб эътироф этилади⁶.

ЖКнинг 192⁵-м.да назарда тутилган қилмиш субъекти сифатида лицензия, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни бериш ваколатига эга мансабдор шахс ёки хизматчи тушунилади. Бундай мансабдор шахс ва хизматчилар тоифаси мансуб бўлган фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ваколатига эга органлар сифатида ЎР ВМ, ИИВ, ССВ, ЎР Молия вазирлиги, ДБҚ, ЎР МБ, ДХХ ва бошқ⁷. назарда тутилади. Бундай органлар ўз фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб у ёки бу характердаги лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни беришга ваколатли саналади.

Жиноят-ҳуқуқий муносабатларда давлатлар томонидан нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олиш ва уларни ички жиноий ҳуқуққа татбиқ этиш – имплементация қилиш муҳим жиноят-ҳуқуқий характер касб этади. Бундай татбиқ этиш ҳуқуқни қўллашнинг халқаро ҳамда миллий усуллари, воситалари билан амалга оширилади. Хорижий давлатларнинг жиноят-ҳуқуқий муносабатларга оид нормаларининг роли, аҳамияти ва ривожини уларнинг муайян давлат миллий жиноят ҳуқуқи тизимида тутган ўрни, унга бўлган муносабати, шунингдек, криминализация ҳамда пенализациянинг бевосита ёки билвосита қўлланилиши билан ҳам аҳамиятли.

“Имплементация” тушунчасига тўхталганда, у лотинча *impleo* сўзидан олинган бўлиб, “тўлдириш”, “бажариш” маъносини билдиришини ҳамда жиноят-ҳуқуқий терминологияда муайян давлат томонидан бошқа бир давлат(лар) жиноят-ҳуқуқий нормаларни миллий жиноят қонунига сингдириш маъносида қўлланилади. Имплементация қилиш усуллари ва воситалари уни амалга ошираётган давлат манфаати нуқтаи назаридан ва ўрнатилган қонунчиликка асосланган тартибда амалга

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

⁶ ЎР ВМнинг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2019 й., 09/19/1022/4181-сон.

⁷ ЎР ВМнинг 2002 йил 28 июндаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2020 й., 09/20/271/0565-сон.



оширилади. Бироқ, бунда имплементация қилинаётган жиноят-ҳуқуқий муносабат нормаларини миллий қонунчиликка сингдиришнинг реал ижтимоий зарурати мавжудлиги тақозо этилади.

Таъкидлаш лозимки, қатор хорижий давлатларда жиноят субъекти сифатида юридик шахслар жавобгарлиги ҳам мустақамланган⁸. XX асрнинг сўнгига келиб айрим давлатлар қонунчилигига юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгиловчи нормалар киритилди. Эркин рақобатни, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишда, иқтисодни, атроф-табiiй муҳитни қўриқлашда, соғлиқни сақлаш ва бошқа фаолият соҳаларини ҳимоя қилишда маъмурий, фуқаровий чораларнинг самарасизлиги охириги ўн йилликларда кўпгина давлатларнинг юридик шахслар жиноий жавобгарлиги муаммоси масаласига янгича қарашга ундади, хусусан, бу масала алоҳида давлатлар, масалан Франция, АҚШ, Англия, Финляндия, Франция, Японияда ўзининг қонуний ечимини топди⁹. Шунингдек, Австрия, Бельгия, Голландия, Дания, Жанубий Корея, Ирландия, Канада, Норвегия, Хитой, Шотландия қонунчилигида ҳам юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги мустақамланган.

Айрим олимлар томонидан Ўзбекистон Республикасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг бугунги шароитида жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг замонавий ривожланиш тенденциялари жиноят субъекти масаласига кенгроқ ёндашишни тақозо этишини, трансмиллий корпорациялар фаолият доираси тобора улкан масштабни қамраб олаётганлигини таъкидлаб, улар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласининг ўрнатилиши лозимлиги ҳақида қизғин мунозарали фикр юритаётганликларини, миллий қонунчилигимизда ҳам юридик шахс сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мақомида маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш илгари сурилмоқда¹⁰.

Мазкур мақола давомида айрим МДХ давлатлари жиноят қонунчилигини ўрганиш, шунингдек, жиноят ҳуқуқи назариясининг замонавий ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, ЖКга юридик шахслар жавобгарлигини белгилашга доир 17¹-модда киритилиши таклиф этилади:

“17¹-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги

Юридик шахслар қуйида назарда тутилган ҳатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади:

юридик шахснинг қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ёхуд муайян фаолиятни амалга оширишни чеклаш тўғрисидаги талабга риоя қилмаслик;

⁸Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. М.: ЮрИнфоР, 2002; Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК РФ // Уголовное право: новые идеи. М., 2004. С. 50, 60; Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц. Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. М., 2003, и др.

⁹Якубов А. С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 5–26.

¹⁰Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар//№02(122)/2016, Ҳуқуқ ва бурч. Б.61.



юрidik шахсинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилмаган фаолиятни амалга ошириш;

жамият, давлат ёки бошқа шахсларга жиддий зарар етказилишига сабаб бўлган қарор қабул қилиш, бунга рухсат бериш ёки ваколатлари доирасида раҳбарлик қилиш.

Давлат ҳокимият органлари ҳисобланган юридик шахслар томонидан юқорида назарда тутилган ҳатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик истисно этилади.

Юридик шахсинг жиноий жавобгарликка тортилиши жисмоний шахсни жиноий жавобгарликдан озод этмайди”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, махсус субъектлар томонидан содир этилаётган жиноятларни ахамияти ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида бундай жиноятларни квалификация қилишда турли муаммолар келтириб чиқариши табиий. Баъзи шундай муаммолар мазкур мақолада келтириб ўтилди. Бу муаммоларни бартараф этиш учун юқорида кўрсатилган таклифлар инобатга олинсан мақсадга мувофиқ бўлар эди.

References:

1. ЎР ВМнинг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2019 й., 09/19/1022/4181-сон.
2. ЎР ВМнинг 2002 йил 28 июндаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2020 й., 09/20/271/0565-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон.
5. Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар//№02(122)/2016, Ҳуқуқ ва бурч. Б.61.
6. Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. М.: ЮрИнфоР, 2002; Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК РФ // Уголовное право: новые идеи. М., 2004. С. 50, 60; Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридического лиц. Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. М., 2003, и др.
7. Якубов А. С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 5–26.
8. Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми Х бобига шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Қ.Абдурасулова. – Т.:ТДЮУ, 2013 – Б. 4.



9. Кабулов Р. Социальная обусловленность установления ответственности за преступления, предусмотренные гл. XIII1 Особенной части УК и их общая юридическая характеристика. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексини такомиллаштириш масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2017. Б.145
10. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – Т.:O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 529 bet.;
11. Махкамов О. ва бошқ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қарши жиноятлар. Илмий-амалий рисола. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Р.А.Зуфаров. – Т.: ТДЮУ, 2016. – 96 б.;
12. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри/Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2016. – 1096 б.